

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 27 сентябрь, шанба • № 77 (10.956) • Эркин нарҳда сотилади

## 1 октябрь куни Республикада биринчи марта «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланади

### МУКОФОТ МУБОРАК!

Умумхалқ байрами — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан республика халқ таълими тизимида алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи орден, медаллар, faxрий унвонлар билан тақдирланди. Булар орасида вилоятимиз халқ таълими ходимларидан қуйидагилар бор. Биз уларни юксак мукофот билан чин дилдан қутлаймиз.

#### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдурахмонов Собир Абдурахмонович** — Чирчиқ шаҳри 2-гимназия мактаби математика ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Якубова Гулафшан** — Оҳангарон тумани 38-мактаб география ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

#### I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Вакилова Карима Абдуллаевна** — Зангиота тумани 1-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Маматқулов Умбат** — Окқўрғон тумани 13-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

#### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Дмитриева Антонина Евгеньевна** — Бўстонлик тумани 2-мактабининг маънавият ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент вилояти.

**Сирожиддинов Шарофиддин** — Бўка тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Тошкент вилояти.

#### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Работкина Нина Кузьминична** — Куйи-Чирчиқ тумани 8-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Узоқбоева Тўхтабу** — Янгийўл шаҳри 15-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Ходакова Галина Михайловна** — Олмалик шаҳри 14-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

#### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Мавлянова Иноят** — Юқоричирчиқ тумани 20-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Муратова Малика Эргашевна** — Юқоричирчиқ тумани 10-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент вилояти.

**Низамова Махбуба** — Чиноз тумани 40-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

### ҲАХРИЙЛАР СТИПЕНДИЯСИ

Холтурсун ота ва Рихис ая Пулатовлар Акмал Икромов номи жамоа хўжалиги faxрийлар кенгашининг фаоллари ҳисобланади. Икковлари ҳам муаллимликдан пенсияга чиққан.

Баркамол, тadbиркор фарзандларни вояга етказган кексалар яқинда ақойиб ташаббус билан қилди. Улар мураббийлик қилган 35-мактабнинг аълочи ўқувчиларидан беш нафарига ҳар ойда нафақаларидан 500 сўмдан

лояти.

**Суцелина Лариса Валентиновна** — Олмалик шаҳри 80-махсус мактаб-интернат тарбиячиси, Тошкент вилояти.

**Тўракулова Ўғилжон Тангатовна** — Янгийўл тумани 35-мактаб география ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Эргашева Муяссар Абдуқайумовна** — Пскент тумани 4-мактаб тарих ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**Ёқубов Пулат** — Паркент тумани 1-мактаб тасвирий санъат-чизмачилик ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

**Исмоилова Рисолат** — Бекобод тумани 2-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Ли Фёдор Ильич** — Урта-Чирчиқ тумани 1-мактаб директори, Тошкент вилояти.

**Тўражоновна Хосият** — Оҳангарон шаҳри 2-мактаб немис тили ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Умаров Бахтиёр Умарович** — Тошкент тумани 11-мактаб физика ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Жигалина Тамара Владимировна** — Ангрен шаҳри 22-мактаб кимё ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Миркомилова Яқитхон Махмудовна** — Бекобод шаҳри 16-мактаб тарих ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Содиқова Фотима** — Янгиобод шаҳри 7-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

**Ғуломова Махбуба Ҳабибуллаевна** — Қибрай тумани 2-мактаб математика, информатика ва ҳисоблаш техника асослари фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти.

пул мукофоти — стипендия бериб боришга аҳд қилдилар. Мактаб маъмурияти бундай саҳоват учун собиқ муаллимларга миннатдорчилик билдирди.

Усмонвали ҲАМИДОВ.



КЕЧА Тошкент туманидаги 11-мактаб жамоаси учун ўзгача қувончли кун бўлди. Каттаю кичик физика хонаси томон шошилар, Бахтиёр Умаровни «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони билан табриқлашга ошиқарди. Айниқса, ўқувчиларнинг севинганини айтмайсизми. Улар ҳам физика муаллимларини бу юксак мукофот билан чин дилдан қутладилар.

— Раҳмат азизларим, — деди Б. Умаров мам-

нун бўлиб, ҳамкасблари, шогирдларига, — бунинг мен жамоага берилган мукофот деб билман. «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрами арафасида камтарона хизматим шунчалик қадрланган экан, бунинг учун ҳукматимиздан беҳад миннатдорман.

Суратда: Бахтиёр Умаров ўқувчилари даррасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## ҲАР ТОНГ СИЗНИ ЭСЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фармони шундай тарихий ҳужжат ва дастуриламалки, вақт ўтган сари унинг мазмун-моҳияти, салмоғи ва салоҳати ортиб бораверади. Шу боисдан ҳам биз бот-бот бу фармонга мурожаат қилаверамиз. Ундан янги-янги вазифаларни кашф этаяверамиз.

БУГУН, мустақил мамлакатимизда илк бор ўқитувчилар ва мураббийлар байрамини нишонлаш арафасида ҳам ушбу фармонни алқаймиз, Зеро, ўқитувчилар ва мураббийлар кунини байрам сифатида нишонлаш айнан ана шу тарихий ҳужжат билан белгилаб берилган.

Авалло, шуни таъкидлаш лозимки, бу йил биринчи марта таълим нишонланаётган ўқитувчилар ва мураббийлар кунини фақатгина тармоқ соҳа ходимларининг байрамидан эмас. Фармонда таъкидланганидек, бу айёмда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман болалар билан ишлашга ўзини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишланади.

Ушбу байрамнинг Инсон манфаатлари йилдан эътиборини нишонланаётганида ҳам рамзий маъно бор. Чунки бу байрам мустақиллик неъматини сифатида ўзда инсон манфаатларини тўла мужассамлаштира олади.

Мустақил мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, ана шу муҳим соҳа билан шуғулланувчи ўқитувчилар ва мураббийларга катта эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» фикримизнинг ёрқин далилидир. Бугун ёшлар тарбияси энг долзарб ва муҳим вазифага айланди. Ана шундан келиб чиқиб маънавият марказининг вилоят бўлими вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда қатор вазифаларни амалга оширмоқда.

Ёш авлодни буюк аъноларини мизга, юксак маънавий қадрлар руҳи билан суғурилгандир. Бугун ҳар бир мактаб ўқувчиси қалбиде мустақил Ватанга муҳаббат руҳининг тўла шаклланаётгани, Ватан рамзларига садоқатнинг камол топаётгани қувонарли ҳолдир! Вилоят халқ таълими бошқармасининг сазий-харакатлари натижасида бир неча йилдирки, умумтаълим мактаблари, гимназия ва лицейларнинг ҳар бир синф хонасида Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи, герби, мадҳияси матни турибди. Улар ёш авлодга ҳар сонияда Ватанини севмоқ, унга садоқат билан хизмат қилмоқ фанидан сабоқ

бермоқда. Ёшларда миллий гурурни шакллантирмоқда. Бунда ўқитувчи ва мураббийларнинг хизматлари ниҳоятда каттадир.

Ўқитувчи бугунги куннинг энг фидойи ва заҳматқаш киши. Унинг хизматлари чексиз ва поёнсиздир. Ушбу сатрларни ишро қилаётганимда беихтиёр ҳаёлимга илк бор харф ўргатган, марҳум фидойи устозларим Салим Каримов, Фотима Қобуловлар келдилар. Уларнинг руҳлари шод бўлсин, дейман. Эҳтимол, ушбу сатрларни ўқитган муштарийда ҳам ана шундай туйғу пайдо бўлгандир. Биз ҳаммамиз устозларимиз олдида умр-рбод қарадоримиз.

Шундай экан, келаётган байрам катта ва яхши имконият. Шояд, шу байрам баҳона ҳар биримиз ўз ўқитувчиларимиздан хабар олсак, уларни мураббат деб этсак. Токи, бу яхши фазилат одатга, пиروvardида аънонага айланиб қолсин. Зеро, ўқитувчи, мураббий деб ном олган фидойи инсонларга шогирд ташақуридан ортиқроқ мукофот бўлмаса керак.

Ўқитувчи ва мураббий мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ва маърифий ислохотларнинг энг олдинги сафарларида бораётган касб эгаларидир. Шу боисдан ҳам биз ўзимизнинг серкирра фаолиятимизда энг аввало ўқитувчиларга таянамиз, улардан ёрдам кутамиз. Беназир касб эгалари эса ўз ёрдамларини сира ҳам аямаётдилар. Бундан кейин ҳам ҳамиша шундай бўлаверади. Ҳамиша омон бўлинг, азиз устозлар!

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари.

### Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

### КАМЧИК ДОВОНИ УЧУН

ЧИРЧИҚДАГИ «Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси муҳим буюртмани бажаришга қиршиди.

КОРХОНАДА доvon қилувчи бу зарбдорнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи тўсиқлар тайёрлаш жадал бошлаб юборилди. Унинг дастлабкилари буюртмачиларга жўнатилди. Ишчилар мамлакатимизнинг иқтисодий

равнақига хизмат қилувчи бу зарбдорнинг бошқа буюртмаларини ҳам бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Салимаҳон ЖАМИЛОВА, «Чирчиқ» газетасининг ходими.

### ЁРДАМНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

БИР неча йилдирки, Чирчиқ шаҳри меҳнатқашлари ўрта-Чирчиқлик деҳқонларга турли соҳаларда оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқдалар. Ҳар йили йил-терим мавсумида 5 минг нафар чирчиқлик туман деҳқонлари билан ёнма-ён пахта теради. Бу йил улар сафи яна 800 кишига ортди.

Ҳашарчилар терим Хусусан, бу йил била ҳомийлар 30 та терим шуғулланишдан машинасини, қатор ташқари, хўжаликларда сув би-хўжаликларга газ, лан таъминлаш ман-сув тармоқларини, баларига тегишли ус-биноларни таъмир-куналарни созлаб лашда бердилар. кўмаклашияпти. Саид САИДАҲМЕДОВ.

### ТУМАННИНГ ЯНГИ ХАРИТАСИ

ТОШКЕНТ картография фабрикаси Қибрай туманининг иқтисодий-ижтимоий харитасини 3 минг нускада босиб чиқарди.

Харита муаллифи Қибрайдаги 16-мактабнинг география фани муаллими, Хайрулла Иноғомовдир.

Хаританинг чоп эти-

лишига туман ҳокимлиги, шунингдек, Фермер Курбон ота Ҳожи-ев ҳомийлик қилди. Шоусуф МИРЮСУФЗОДА.

### ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

ЧИНОЗ. Тумандаги «Гулзоробод» қишлоқ хўжалик ҳиссадорлик жамияти аъзолари бу йил 1160 тонна ўрнига 1350 тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар. Бу борада дастлабки муваффақият қўлга киритилди. Жамоа туманда биринчи бўлиб уруғлик пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ҳозирги кунга қадар 360 тонна уруғлик хом ашё қабул пунктларига етказиб берилди.

Жамоанинг Баҳром Умаров, Гамлет Йўлдошев, Хурматилла Сунатов, Холмўмин Йўлдошев, Каримжон Доврубоевлар бошлиқ бригадалари деҳқонлари йил-теримда пешқадамлик қилмоқдалар. Терим кун сайин авж олмақда. Деҳқонлар пахта тайёрлаш йиллик режасини 25 иш куниде бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Т. ЭРҲУЖАЕВ.

### Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 26 сентябрдаги бўлган

#### МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фонд ҳисобида)

Туманлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Чиноз	2,76	32,44
Янгийўл	2,85	23,88
Ўрта-Чирчиқ	2,98	23,37
Бекобод	2,14	22,71
Покент	1,88	19,90
Бўка	2,10	19,51
Юқоричирчиқ	2,65	16,00
Куйи-Чирчиқ	1,71	12,65
Оққўрғон	0,25	2,33
Вилоят бўлими	2,01	18,15
1996 йилда бўлган эди	0,80	16,27

Халқимиз эъзозидасиз, устозлар!

МУАЛЛИМ ҚАДРИ

— Истиқлол ўқитувчи қадрини ҳар томонлама кўтарди. Моддий ва маънавий жиҳатдан ўзининг қўллаб-қувватланганлигини кўрган муаллимнинг руҳи тетиклаши, касбига бўлган меҳри орди. Бу, албатта, Президентимиз, республика ҳукумати ва жойлардаги ҳокимликлар саяё-ҳаракатлари билан бўлмоқда. Мамлакатимизда Юртбошимизнинг фармони билан бу йилдан бошлаб 1 ОКТЯБРЬ «ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» деб эълон қилиниб, умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганлиги бунинг яна бир исботидир, — дейди Тошкент тумани халқ таълими бўлими мудири Уткир Махмудов.

— ГОҲО ўйлаб қолман, — деб давом этди у киши ўз сўзини, — кўп йиллар давомида халқ таълими соҳасида ишлаб ҳеч қачон ўқитувчи кадрларга мустақиллик йиллари ичида кўрсатилган ғамхўрликлар каби эътиборни кўрмаганман. Шуларни ҳис этганимда дилим тўлқинланиб кетади. Қаранг, республикамиз истиқлолга эришган дастлабки йиллардаёқ ўз тақдирини халқ таълими билан боғлаган кишилар учун коммунал хизмат, транспорт хизмати борасида қатор имтиёзлар яратилди. Ўқитувчиларга давлат уйларининг хусусийлаштириб берилиши, уй-жой учун ер участкалари ажратилиши, ойлик маошларининг бир неча бор оширилиши, шу йилдан бошлаб 1 октябрь кунини «Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини» сифатида умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ва Президентимизнинг яқингинада, мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида халқ таълими ходимларига кўрсатган наватдаги ғамхўрлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Бир неча йилдирки, худди шундай меҳрибонликни биз туман ҳокимлиги томонидан ҳам аниқ ҳис этиб келямиш. Ҳокимлик кўрсатмаси билан шаҳардан қатнаб ишловчи ўқитувчиларнинг маълум қисми учун йўл ҳақи тўлаш жорий этилди. Турли тадбир-

Ўқитувчи дилидаги гаплар

нишонига сазовор бўлган, республика халқ таълими вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, вилоят ва туман халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрликлари билан мукофотланган ўқитувчилар, халқ таълими ходимларига бир ойлик маошлари мукофот тарзида берилишига қарор қилинди.

Туманимизда ўқитувчиларнинг аризаларига биноан уй-жой қуриш учун ер ажратилиши ҳақида эътиборида. Хусусан, инсон манфаатлари йилида 26 нафар муаллимга уй-жой қуриш учун ер ажратилди. Бу борада, айниқса, Ф. Абдуллаев, М. Фозилов номли жамоа ҳўжалиқлари фаолият кўрсатганликлари диққатга лойиқдир. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги ёрдами билан шаҳардан қатнаб ишловчи 13 нафар ўқитувчи ҳам уй-жой қуриш учун ер билан таъминланди.

Халқ таълими ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришларини қўзлаб қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу йилнинг ўзига 80 нафар ўқитувчи турли дам олиш уйлари,

санаторийларда соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтдилар. Бир гуруҳ зиёлилар эса мамлакатимизнинг зиёратхоналарини томоша қилиб ҳордиқ чиқардилар.

Туманда мунтазам ўтаётган «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Мақтаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги» сингари тадбирлар ҳам ўқитувчига, таълимга кўрсатилган яна бир эътибордир.

Ўз фаолиятини ёш авлод тарбиясига бағишлаганлар орасида ҳукумат мукофотига сазовор бўлганлар ҳам борлиги айниқса қувонарлик. Ўтган йили ўқитувчилар кўни арафасида 6-ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиси Шохидат Қайумова «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди. Бир гуруҳ муаллимлар вилоят, туман, турли ташкилотларнинг фахрий ёрликларига сазовор бўлдilar.


Хулоса қилиб айтганда туманимиз ўқитувчилари, мураббийлари халқ таълимини ривожлантириш, бу соҳага дахлдор кишиларга бўлган юксак эътибор учун Президентимиз, республика ҳукумати ҳамда вилоят, туман, ҳокимлигидан миннатдорлар.

Бу ғамхўрликларга жавобан биз Президентимиз Ислам Каримовнинг республика Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқ, халқ таълимини юқори босқичга кўтариш, «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш бўйича «Миллий дастур»га мувофиқ таълим-тарбия ишларини мунтазам яхшилаб бориш, ҳар биримиз ўз устимизда ишлаш, малакаimizi оширишга аҳд қилганимиз.

Сухбатдош Нафиса ОМОНТУРДИЕВА.



Инсон манфаатлари йилида чинозликлар гувоҳ бўлган қатор янгиликларга яна бир қувонч ҳам қўшилди. Истиқлол айёмининг шуқуҳли кунларида туманнинг «Гулзоробод» жамоа ҳўжалиги худудида 422 ўринли янги ўқув мактабини фойдаланишга топширилди. Бу даргоҳда 7-ўрта мактаб ўқитувчиларино ўқув-тарбия учун барча шарт-шароитлар мавжуд.



ИЛК БОР ЧОП ЭТИЛДИ

Мактаб ўқувчиларини ўқув адабиётлари билан таъминлашда «Ўқитувчи» нашриётининг хизмати катта бўлмоқда. Нашриёт 1997-98 ўқув йили учун кўплаб дарслик ва ўқув кўлланимларини чоп этди. Шуниси муҳимки, бу йил мактабларга ўзбек тилида илк бор тайёрланган қатор янги адабиётлар тақдим қилинмоқда. Ўқувчиларнинг бадиий меҳнат таълимига қаратилган янги қўлланимлар юзасига келди.

Мактабларнинг 6-7 синфлари учун педагогика фанлари доктори С. Булатов томонидан ёзилган «Ганчорлик» ўқув кўлланими бу йўналишдаги яхши сова бўлди. Республика таянч мактаблари учун эса «Бадиий меҳнат ва тасвирий санъат» деб номланган дарслик босмага тайёрланди.

«Ботаника» (7-синфлар учун), «Математика» (5-синфлар учун) бўйича янги дарсликлар ҳам республикамизда биринчи марта чоп этилди. Ақбар АЛИЕВ.

БАТАН ПОСБОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙДИЛАР

Мутафаккир шоир, бобокалонимиз Алишер Навоийнинг «Йигитликда йиг илмининг мағзини, қариллик чоғинда ҳарж қилган ани» деган ҳикматли мисраси кўпчиликка маълум ва машҳурдир. Бу мисра ани билан кунга тўлган йигитларга ўғит, лайд-насихат руҳида жаранглайди.

Биз республика бўйича ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейга борганимизда, билим мактабидан ана шундай илмга қанқок, талабчан ёш йигитларни кўлаб уратдик. Лицей раҳбари Собиржон Аҳоров билан бўлган суҳбатимизда бунга яна бир қарра ишчон ҳосил қилдик.

Собиржон Масхиддинович, суҳбатимизни лицей ташкил қилиниш тарихидан ҳамда ўқув жараёнида нималар кўпроқ эътибор берилганлигидан бошлаб...

Авалламбор, шуни айтиш керакки, таълим-тарбия асосий ўринда туради. Шунинг учун билим мактабимизнинг ички тартиб-қоидаларига тўлиқ бўйсунган талабалар лицей ўқувчиси бўла олади. Айтмоқчимки, лицейда ҳамма нарса режа асосида олиб борилади. Лекин, шунга қарамадан ўқувчиларнинг бўш пайтларини мароқли ўтказиш учун бир қатор имкониятлар яратилган. Бокс, кураш секциялари, футбол майдончалари, шахмат, шашка, телевизорхона уларнинг хизматида. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ҳамда бир неча тўғрақлар ишлаб турибди. Турт маҳал иссиқ оғақ, кийим-боши, хатто, ўқув қуроллари билан ҳам таъминланганлар. Улардан ягона талаб — барча фанларни ало ўлаштиришидир.

Йил сайин ошиб бораётир. Бу кўрсаткич ани йилда 95 фоизини ташкил этди. Дийримизда тинчлик ва осойишталик боқий бўлишига бизнинг ўқувчиларимиз, таъбир жоиз бўлса, бўлажақ ҳарбий ўғулларимиз ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. Эеро, Президентимиз Ислам Каримов «Биз чегараларимизни, мустақиллигимиз ва истиқлолимизни ҳимоя қилишга қодир бўлган, яхши кўролланган тезкор армияга эга бўлишимиз керак» — дея таъкидлаган эдилар. Бизнинг мақсадимиз ҳам ана шундай армияда хизмат қилувчи жа- суур, доворак юрт манфаатини шаксий манфаатидан устун қўйдиган мард йигитларни ас- мийига қудратли ва саложиятли бўлади.

Лицейда ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмуни ўтиши учун қандай имкониятлар яратилган?

Жамоамиз олий мактаб I ва II тоифали ўқувчи ва зобитлардан ташкил топган. Улардан маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Ирстой Эргашев, ўқув ишлари бўйича директор муовини Сайёра Мухиддинова, физика фани ўқитувчиси Ширингул Жумашева, кимё, биология фани ўқитувчиси Бахтиёр Мирзаев, чет тили ўқитувчиси Сураёда Абдуҳайитовалар ўз касбига меҳр қўйган одамлар.

Лицейимизга ҳар йили 150 та ўқувчи ҳужжат топширади. Ниятимиз лицейни битирган ҳар бир ўқувчи истаган олин ўқув юртига киришда таст синоваларидан беникусон ўтсин ҳамда ўз ўрнини топиб кетсин. Бу биз ўн ҳам катта ютук деб ҳисоблайман. Сухбатдош: Рўзбой АЗИМИЙ.

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти — 70 ёшда

Ипак қимматбаҳо хом ашё бўлиб, унинг халқ ҳўжалигида тугган ўрни бекибсиз. Ўтган йиллар давомида ипакчилик илмий асосда ривожлантиришга қаратилган бир қатор амалий тадбирлар кўрилди. Ана шулардан энг муҳими «Туркостон ипаги» акционерлик уюшмаси негизда Урта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилганлиги бўлди.

Бу илм даргоҳининг мавқеи йил сайин мустаҳкамланиб борди. 80-йилларга келиб, институти фахратига Урта Осиё ва Қозоғистондагина эмас, балки, собиқ совет иттифоқида ҳам ипакчиликнинг йирик илмий марказига айланди. Соҳа бўйича илмий ишларни мувофиқлаштирувчи бош ташкилот сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Институтининг ривожланишига, илмий ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинишида турли йиллар давомида бу даргоҳга раҳбарлик қилган олимларимиздан раҳматли Х. Р. Расулов, шунингдек М. Р. Фаниева, У. Н. Насириллаев, В. Я. Яновларнинг хизмати катта бўлди. Бу ерда ўзларининг йирик кашфиётлари ва қатор монографиялари билан номлари дунёга танилган Б. Л. Астауров, Э. Ф. Поярков ва В. А. Струнников каби олимлар меҳнат қилдилар. Ани пайтада институтида 12 та лаборатория фаолият кўрсатмоқда. 70 нафар ил-

мий ходим, шу жумладан, 17 нафар фан номзоди, 4 та фан доктори фаолият кўрсатаётир. Улардан Э. Азимжонов, Л. Кашкароева, Э. Мустафоев, А. Еқубов, Р.

ИПАКЧИЛИГИМИЗНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Қурбонов, Ш. Абдуқодиров, Ш. Йўлдошев, Д. Холматов, У. Қўнқоров сингари олимларимиз, айниқса, самарали меҳнат қилаётирлар. Ана шу каби олимлар, етук мутахассисларнинг кўп йил илмий-тадқиқотлари самараси ўлароқ бир қатор ютуқларга эришдик. Ипак курти генетикасини чуқур таҳлил этиш институтиимизда устивор йўналиш бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Олимларимизнинг тинмай олиб борган илмий изланишлари тўғрисида ипак курти хромосомалари ва генлар локализациясини ўрганиш орқали

жаҳон биология фанида биринчилардан бўлиб ипак куртининг жинсини сунъий бошқариш усулларини яратилди. Шунингдек, кенг қамровли ишлар натижасида ипак куртининг микдор белгилари генетикаси гетерозис масаласида катта ютуқларга эришилди. Бу соҳадagi ишлар жаҳон биологиясида тан олинди, муаллифларимиз фан ва техника бўйича давлат мукофотларига сазовор бўлдilar.

Селекциячи олимларимиз ҳозирги кунга қадар пилла куртининг кўлаб зот ва дургайларини яратдилар, уларнинг асқарияти давлат с и н о в л а р и д а м у а в а ф қ и я т л и ў т д и ва районалаштирилди. Бизда ипакчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам бир қатор илмий ишлар ва изланишлар олиб борилади, яхши самараларга эришилди. Олимларимиз ипак куртларини боқишда ёшма-ёш мутақадил ҳаво ҳарорати нисбий намлиги,

озиклантиришнинг энг самарали усулларини топдилар, уларни жамлаб агротехника қоидалари тарзида тавсия этдилар. Бу янгиликлар, табиийки, қурт боқиш жараёнида бирмунча қисқартирди, пилладан мўл ҳосил олиш йўлларино очиб берди.

Пиллага дастлабки ишлов бериш, стандартлаш бўлими томонидан кейинги йилларда ипак куртининг тирик ва

уруғ пиллаларига янги стандартлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Шунингдек, экспорт учун тайёрланган қуруқ пиллалар учун ҳам стандарт яратилиб, синовдан ўтказилмоқда. Оқибатда пилламини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун имкониятлар яратилмоқда.

Лекин ҳали бу соҳада биз кўп иш қилишимиз керак. Пилла етиштиришнинг энг

мақбул технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун бир қатор умумоларни ҳал этишга тўғри келади. Асосий қийинчилик бизда ипак курти қишлоқ меҳнаткашлари хонада о н л а р и д а боқилаётганлигидадир. Бундай ҳолат пиллачиликда жумладан, барг майдалаги, дастадан пиллани териб олувчи, пилла лосини тозаловчи ва бошқа жараёнларда механизмлардан фойдаланишни қийинлаштиришда, фан янгиликларини қўлланиш анча мушкул бўлмоқда. Шунга қарамадан олимларимиз мазкур ўйнаишда ягона мавзу устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Уйлаймики, яқин йиллар ичида жаҳон бозорига рақобатлаша оладиган пилла-ипак маҳсулотларини етиштириш бўйича янги тақлифлар ўртага ташланади, технологиялар, албатта, яратилади. Олимларимиз ани кунларда ана шу соҳада, муҳим долзарб йўналишлар бўйича малакали ижод қилмоқдалар.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ, фанлари номзоди, Ш. АБДУҚОДИРОВ, кишлоқ ҳўжалиқ фанлари номзоди, У. НАСИРИЛЛАЕВ, лаборатория мудири, кишлоқ ҳўжалиқ фанлари доктори, профессор.

«ЭКОТРАНСАЗОРАТ» МАЖМУИ ҚУРИЛАДИ

Атроф-муҳитимизнинг соғлигини таъминлаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолиши керак. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда халқимизнинг экологик савиясини оширишга катта эътибор берилмоқда. Эеро, республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бағасида»: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарғолари», китобида таъкидланганидек «... кенг қўламадagi экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, республика аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлодини дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология ҳоҳатидан мусоффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради».

Вилоятимизнинг Бўстонлик тумани ўз табияти, соф ҳавоси ва тоза суви билан машҳурдир. Бу ерда Уган — Чопқол миллий боғи, Чорвоқ сув омбори, хушманзара Қайнарсой, Хумсон, Оқтош қишлоқлари жойлашган, 50 га яқин болалар оромгоҳлари, 40 дан ортқ дам олиш масканлари, 10 мингдан ортқ шахсий дала ҳовлилари мавжуд. Бу асосий ҳаракат бўлади. Бу автотранспорт воситаси ҳаракат бўлади. Бу автотранспортнинг атмосферага чиқараётган ис газини миқдори бир ойда 2000 тоннани ташкил этади. Бу миқдор табиятга катта зиён етказиши, дарҳат ва ўсимликларнинг умрини қисқартиришга, ҳайвонот оламидининг камайишига, умуман ҳудуднинг экологик мувозанати бузилишига олиб келади. Шуларни ҳисобга олган вилоят Давлат автотранспорт воситаси ҳаракат бўлади. Бу автотранспорт воситаси ҳаракат бўлади. Бу автотранспорт воситаси ҳаракат бўлади. Бу автотранспорт воситаси ҳаракат бўлади.

Соф ҳаво, тиниқ сув, тоза тупроқ учун

ҳозирги кунда Тошкент — Чимён автомобиль йўлининг 55 километрга иккита кўма экологик диагностика лабораторияси ишлаб турибди. Улар йўлнинг икки йўналиши бўйича экологик текширувларини олиб боришмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад автомобиль двигателларидан ажралиб чиқётган ис газини ва тўтун миқдорини меъёр даражасига келтириш ва транспорт воситаларини бошқаришдаги ҳайдовчиларни аниқлаш ва маъмурий чоралар кўриш, созланган транспорт воситаси ҳайдовчисига экологик талон беришидир. Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятда 8 мингга яқин

экологик носоз транспорт воситаси аниқланди. Келажақда экологик назорат текширувларини сифатли ўтказиш ҳамда ҳайдовчиларга хизмат кўрсатиш даражасини умумжаҳон талабларига кўтариш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси Бўстонлик туманида замонавий экологик назорат мажмуини барпо этиш тақлифи билан республика Вазирлар Маҳкамасига мурожаат этди. Бу тақлиф республика ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланди. Бўстонлик тумани ҳокимлиги шу йилнинг август ойида бу мажмуини қуриш учун 2 гектар ер ажратди. «Экотрансазорат» мажмуи замонавий назорат асбоб-ускуналари билан жиҳозланади, автомобилларни ювиш жойлари, техник хизмат кўрсатиш устандалари, сифатли ёнилимай маҳсулотлари тарқатиш шохобчаси каби тармоқлар билан таъминланади. Бундан ташқари, йўловчилар вақтларини самарали ўтказишлари учун чойхона, қаҳвахона, савдо шохобчалари, дам олиш мажмуи қурилиши ҳам мўлжалланган. Ҳозир унинг лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мажмуа барпо этилган автотранспорт воситаларини экологик назорат текширувлари кўмаки кенгайди ва самараси янада ошади. Т. АБДУЖАББОРОВ, вилоят ИИБ ДАНБ экологик муаммолари бўлими асосий бошлиғи, миллияси майори.

Ўзбекистон Фанлар Академияси кимё институти олимлари томонидан олиб берилган самарали тадқиқот натижаси ўлароқ иккиламчи пластификатор — ферпласт тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Бу хил зарур кимёвий материал шу вақтга Россиядан олиб келинар

ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ 450 МИНГ ДОЛЛАР

Эндиликда бунга эҳтиёж қолмади. Кимётар олимлар тавсияси асосида иккиламчи пластификатор — ферпластларни маҳаллий нефть хом ашёсидан фойдаланиб, ишлаб чиқиш йўлга қўйилмоқда. Бунинг

учун Оҳангарон «Қурилиш-пластмасса» корхонаси ҳамда «Ўзбекнефт» қайта ишлаш» ишлаб чиқариш бирилмаси билан ҳамкорликда олиб боришмоқда. Пластификатор —

ферпласт линолиум ишлаб чиқаришда бой хом ашё бўлиб хизмат қилади. Шуниси муҳимки, бу хил материалларни тайёрлаш, хлорпарафинга қараганда ўн баробар арзонга тушади.

Шу сабабли ҳам олимлар тадқиқотига патент берилиб, бу янгиликни амалиётга тадбиқ этиш тадбирлари кўрилди. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда ушбу ишланма катта иқтисодий самара беради. 600 тонна ферпластдан 450 минг доллар миқдорда фойда қурилади. Ақбар АЛИЕВ.

Бир корхона хабарлари

НОЁБ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ангрндаги «Эперем» хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ноёб касб эгаси ҳисобланадилар. Улар турли хил электр двигателларини таъмирлаш билан шуғулланишди.

ШУНИНГ учун ҳам буюртмаларнинг кети узилмайди. Бундай ускуналарга ўраладиган сим муаммоси ҳам ҳал қилинган. Олмалик кон-малтургия комбинатидан ҳар ойда эҳтиёжга қараб 20-30 тонна мис сими олиб турилади.

Хоналарда ҳавонинг ифлослик даражаси ҳар кун ўлчаб турилади. Унда зарарли моддалар микдори мейёрдан ортқ бўлса, дарҳол чоралар кўрилади. Чанг, газнинг ҳавога тарқалишининг олдини олиш мақсадида махсус мосламалар ўрнатилмоқда. Ҳозирги вақтда хиссадорлик жамиятида чангни ўшлаб қолиш да-

тадан ортқ электр двигателлар таъмирланади. Эндиликда бу ерда катта қувватга эга бўлган сув насосларининг қурilmаларини таъмирлаш ҳам жиришилди. Ишчилар қоракалогистонлик мелиораторларнинг буюртмаларини вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу мураккаб тошхиркни бажаришда сим ўрчирилдан О. Маликов, Г. Белендир, Г. Раду, П. Димковичлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

КЎРИК ГОЛИБИ

КОРХОНАДА атроф-муҳитни мусофҳо сақлаш ва ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилади. Ишчиларнинг унумли ишлаш ва дам олиши учун кулай шартлар яратиб берилган.

«Эзолмосолтин» уюшмаси корхонада уртасида меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танловда голиб деб топилди.

даракларнинг олди ҳосилга кирди. Турли навли 120 туп узум меваси кўзни қамаштирди. Бундан ташқари, 400 тупдан ортқ манзарали ва 200 туп игнабаргли дараклар худуддаги ҳавонинг тоза бўлишига ёрдам бермоқда. Корхона атрофига қўлба те-рак кўчатлари ўтказилган, улар кун сайин буй қўзмоқда. Бар-по этилган турфа гўлзорлар, буталар худуд табиатини яна-да кўкalamзорлаштирмоқда.

М. МАХМУДОВ.

БАМИСОЛИ КАТТА БОҒ

Жамоа «Экология ва саломатлиқ» кунларини ўтказишда фаол қатнашмоқда. Унинг биринчи ва иккинчи босқичлари якуланиди. Айниқса, корхона худудини ободонлаштиришда катта ишлар қилинди.

Бир вақтлар унинг худуди ташландиқ жойлар эди, ахт-ла ва чиқиндилар тўп-тўп бўлиб ётарди. Ишчи-хизматчилар бу ноқулай ҳолатни бартараф этишга астойдил киришилди. Ҳар йили уни ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш билан шуғулланиди.

Бугун корхонанинг салкам олти гектарлик худуди катта боғни эслатади. Йиллар давомида экилган 900 туп мевали

Янгийўл туманида яқинда ишга туширилган пахта тозалаш заводи жамоаси бу қимматли хом ашёни қайта ишлаш жараёнини жадал олиб бормоқда. Ушбу суратда техника назорати бўлими бошлиғи Раҳима Эшонқулова ва лаборант Зухра Бобоқуловаларни пахтанинг навини аниқлаётган вақтда кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ҲИНДИСТОННИНГ КАШҲР ЭТМОЛИ

АРАБЛАР ВА МЎҒУЛЛАР

Мўғулларнинг Осиё ва Оврӯподаги ғалабалари ҳарбий фанга янгиликлар киритди. «Узининг кўлами ва маҳорати, кўксидан бошлиниши ва ҳаракат-чилиги, стратегия ва такти-канинги кўлланиши жиҳатидан мўғуллар амалга оширган муҳорабалар тарихда тенгсиздир», — деб ёзади Лиддел Гарт. Чингизхон жаҳонда энг улуг саркар-да бўлмаса-да, шубҳасиз, буюк лашкарбони эди.

Оврӯпо ва Осиё риоиз-лари унинг олдида, ажойиб ворислари олдида но-тавон эдилар. Марказий ва Ғарбий Оврӯпо тасо-диф туйғалиғина ундан қўтилиб қолди. Мўғуллар Оврӯпога стратегия ва ҳарбий санъатдан сабоқ бердилар. Милтқдор ишлатиш Оврӯпога Ма-шо мўғуллар орқали Хи-тотдан кириб келган.

Мўғуллар Хиндистон-нинг ичкарисига ўтмади-лар. Улар Хинд дарёсига етиб келганларида тўхтаб, босқинчилик урушларини бошқа йўналишларда давом эт-тирдилар. Уларнинг сал-танати парчаланиб кетган, Осиёда кичик давлатлар вуҷудга келди. Кейинча-лик эса, 1369 йилда мил-лати турк она томондан ўзини Чингизхон авлоди деб эълон қилган Те-мур унинг қахрамонлиқларини такрорлашга ҳаракат қилди. Темурнинг пойтах-ти Самарқанд, қисқа му-дат бўлсада, яна салтанат марказига айланди.

Темурнинг вафотидан кейин унинг меросқорлари ҳарбий ишдан кура тинч ҳаётга, адабиёт, санъатга ҳоми-лик қилишга кўпроқ мой-ил бўлдилар. Урта Осиёда Те-мурийлар ўйғониш даври бошланди. Шундай шароит ва муҳитда Темурнинг авлоди, Хиндистонда бобурийлар су-лоласига асос солган Бобур тугилиб, тарбияланди. У 1526 йилда Дехлини кўлга кирит-ди.

